

## ЖУРНАЛИСТИКА

УЎК (УДК, UDC): 070  
DOI: 10.36078/1565766309

### ДРОН ЖУРНАЛИСТИКА: УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**Наргис Суннатовна ҚОСИМОВА**  
Филология фанлари номзоди, доцент  
Халқаро журналистика факультети  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[n.qosimova2012@yandex.com](mailto:n.qosimova2012@yandex.com)

#### Аннотация

Мақолада дрон журналистикаси тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш тарихи, дрон журналистикасининг қонуний асослари, техник имкониятлари, Ўзбекистонда ва хорижда дрон журналистикасидан фойдаланиш истикболлари, бугунги кунда тележурналистикада дрондан фойдаланишдаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар, муаммолар кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** дрон; журналистика; Ўзбекистон; қонун; оммавий ахборот воситалари; авиация.

### ДРОН-ЖУРНАЛИСТИКА: ОСОБЕННОСТИ ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЗА РУБЕЖОМ

**Наргис Суннатовна КОСИМОВА**  
Кандидат филологических наук, доцент  
Факультет международной журналистики  
Узбекский государственный университет мировых языков  
Ташкент, Узбекистан  
[n.qosimova2012@yandex.com](mailto:n.qosimova2012@yandex.com)

#### Аннотация

В статье рассматривается понятие и история возникновения дрон-журналистики, ее правовые основы, вопросы использования дрона в развитии журналистики Узбекистана, ее технические возможности, перспективы использования беспилотного летательного аппарата в тележурналистике.

**Ключевые слова:** дрон; журналистика; Узбекистан; закон; средства массовой информации; авиация.

### DRONE JOURNALISM: ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN AND ABROAD

**Nargis Sunnatova KOSIMOVA**  
Candidate of Philological Sciences, Associate Professor,  
Faculty of International Journalism

Uzbekistan State University of World Languages  
Tashkent, Uzbekistan  
[n.qosimova2012@yandex.com](mailto:n.qosimova2012@yandex.com)

#### Abstract

The article discusses the concept and history of the appearance of drone journalism, its legal basis, the use of drone in the development of journalism in Uzbekistan, its technical capabilities, the prospects for the use of an unmanned aerial vehicle in television journalism.

**Keywords:** drone; journalism; Uzbekistan; law; mass media; aviation.

Америкалик ёзувчи ўзининг “Мушук учун беланчак” китобида “Олимлар нимани яратишса ҳам, у охир-оқибат қуролга айланади” (11), — деб ёзган эди. Албатта, дронлар ҳам бундан ҳоли эмас. Кўп йиллар мазкур техника воситаси ҳарбий мақсадларда фойдаланиб келинди. Сўнгги йилларда дронлар тинчлик йўлида ҳам қўлланила бошланди. Бугун биз дрон-официантлар, дрон-шифокорлар, дрон-етказиб берувчилар, дрон-патруллар, дрон-қўриқчилар ҳақида эшитганмиз. 2012 йилдан бошлаб тилимизга дрон-журналистлар атамаси кириб келди. Дронлардан фойдаланиш масаласи ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида қонунчилик билан тартибга солинаётган янги соҳа ҳисобланади. 2013 йили Оксфорд тадқиқотлар журналистикаси институтининг “Масофадан туриб бошқариладиган авиация тизимлари ва журналистика” мавзусидаги маъруза муаллифларидан бири Дэвид Голдберг учувчисиз учар аппаратлардан фойдаланишга мамлакатлар ҳокимиятларининг қўрқувига асосий сабаб сиёсатчилар ичидаги қўрқувдир (4), – дейди. Янги технологиялар аксарият ҳолатларда сиёсатчилар, қонуншуносларда тушунмовчилик ва технохавотирни келтириб чиқаради. Бундай қўрқув, аввало, жамият томонидан янги технологиялар барчага маълум бирор хавф туғдириши мукинлигидан келиб чиқади. Технохавотир инсоният тараққиёт йўлининг ҳар бир босқичида кузатилган. Масалан, XVIII асрда ҳаво шарларининг яратилиши ва улардан фойдаланиш ҳам таҳликани келтириб чиқарган. Кўпчилик ҳаво шарлари уларнинг бошига кулаб тушишидан, бошқалари эса учув траекториясининг тўғри танланмаганлиги ёки ҳаво шарлари маршрутдан чиқиб кетиши оқибатида ҳолокатлар келиб чиқишидан қўрқишган. Шу сабабли 1784 йили 23 апрелда авиация ҳуқуқи юзага келиб, “Француз полиция директиваси” қабул қилинган. Директива, асосан, ҳаво шарларини ишлаб чиқарувчи ака-ука Монгольфье компаниясига қарши қаратилган эди. Директивада “Аҳолини хавфдан ҳимоялаш учун учувларни олдиндан олинган рухсатсиз амалга ошириш тақиқланади” — дейилган (2). Шунингдек, Дэвид Голдберг дронларни оммавий ахборот воситаларида асосан

салбий жиҳатдан тавсифланиши ҳам кўрқувнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аксарият ОАВлар дронларни “кўрқинчли учар динозаврлар” (ornithoscelidaphobia) ёки “кузатувчи майда ҳашоратлар” (инсектофобия) сифатида тавсифлашади. Масалан, Сингапур ОАВда дронларни “ўлим фаришталари” сифатида тавсифланган. Дэвид дронлардан дрон журналистикаси контекстида фойдаланиш бевосита инсонларнинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимоясига бориб такалади, деб ҳисоблайди. Чунки маълумот ва ахборот олишга бўлган ҳуқуқ фикрнинг эркин баён этилиш ҳуқуқларига киради. Шундай экан, журналистлар томонидан дронлардан фойдаланиш жуда зарур бўлиб, уларни тақиқлаш маълум бир муаммоларни келтириб чиқаради. Аваллари Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг “Тадқиқотлар хизмати (CRS)” томонидан эълон қилинган “Ички ҳаво ҳудудларида учувчисиз учар аппаратларнинг интеграцияси: алоҳида ҳуқуқий масалалар” деб номланган ҳисоботида махфийлик масалалари кўриб чиқилар экан, CRS “жамоатчиликнинг ахборотнинг эркин оқимиغا қаршилиги борасидаги хавфсирашини” (2) инобатга олиниши лозимлиги айтилади. Дрон журналистикаси учун дронлардан фойдаланиш аввало сўз эркинлиги тамойилларига асосланади. Доимо дрон журналистикаси ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб хавфсизлик ва инсон ҳаёти муҳофазаси масалалари кўтарилади. Аксарият ҳолларда экологик ва техноген ҳалокатлар содир бўлган ҳудудларда фаолият юритувчи журналистлар дрондан фойдаланишни оклайдилар. Чунки, одам оёғи етмайдиган хавфли зоналардан ахборот узатиш бугунги кун учун муҳим, бу, аввало, аҳолини хавфдан огоҳ этиш учун ҳам зарур. CRSда ёзилишича, инсонлар ҳаётининг хавфсизлиги дронларни тўғри дастурлашда ва GPS бошқарув орқали “геотўсиқлар” кўйишда кўринади (2).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 августдаги 287-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” Низомида ушбу қурилмадан фойдаланиш ва рўйхатдан ўтиш қоидалари келтирилган. Махсус ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳисобланади. Ташкилот Вазирлар Маҳкамасидан рухсат олгандан сўнг, қурилмага буюртма олинади.

“Дрон” тушунчаси инглиз тилида “қовоғари” маъносида келиб, ўтган асрда авиацион техниканинг ўзига хос овоз чиқариши боис шу ном билан аталган. **Дрон журналистика** (ингл. Drone journalism), бу — журналистик

мақсадларда учувчисиз учар аппаратлардан фойдаланиш (9). Дронлардан журналистикада маълумот йиғиш учун фойдаланиш ҳали янги усул.

Илк мартаба Америка Қўшма Штатларида дрон журналистика концепцияси 2002 йили Пойнтер Ларри Ларсен номидаги медиатадқиқотлар институтида тадқиқ этилган эди. Олимлар учувчисиз учар аппаратларнинг журналистикадаги ахлоқий ва амалий жиҳатларини ўрганганлар. Ларсен дрон-журналистикаси имкониятларига бағишланган маърузаси билан бутун дунёни айланиб чиқди ва 2003 йилнинг ёзида махсус дрон-журналистика учун учувчисиз учар аппарат яратди. 2011 йилнинг ноябрь ойида Небраски-Линкольн университетининг профессори Мэтт Уэйт томонидан дрон журналистикаси лабораторияси ташкил этилиб, унда дронлар орқали журналистик материал учун маълумот йиғила бошланди. Лабораториянинг веб-сайти журналистик дебатларда муҳим роль ўйнайди, чунки у онлайн-баҳслар учун платформалар ташкил этиб, таҳлил этилган янгиликлар ва тадқиқотларга ҳаволалар беради. 2013 йили Уэйт Федерал авиацион бошқармасидан лабораторияни ёпиш ҳақида хабар олган.

Мэтью Шройер (ингл. Matthew Schroyer) — АҚШнинг Иллинойс штати Урбан шаҳрида яшовчи дрон-журналист, Mentalmuniton.com платформада дрон журналистиканинг имкониятлари ҳақида постлар қўювчи блогер, “Ота-журналистлар” профессионал жамиятининг (PSDJ) асосчиси. У шунингдек, журналистик лойиҳаларда фойдаланиш учун учувчисиз технологияларни яратади.

Қисқа муддат ичида дрон журналистикаси жаҳон бўйлаб оммалаша бошлади. Марказий Ланкашир университети қошида очилган Фукаровий дрон маркази (англ. Civic Drone Centre) ҳамда 2018 йили фотожурналист, “Тенгсиз сюжетлар” лойиҳаси муаллифи Жонни Миллер томонидан Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳрида ташкил этилаган AfricanDRONE маркази иш бошлади. Дронлардан фойдаланиш асосан мамлат Миллий авиация бошқармаси томонидан бошқарилса-да, журналистлар яна бир нечта давлат ташкилотларидан рухсат олишлари зарур. Бу эса тезкорлик билан маълумот йиғиб, материал тайёрлашда қийинчилик туғдиради. Африканинг бир неча давлатида дрондан фойдаланиш қоидалари жуда қатъий ва қийинлиги боис, уларда дрон журналистикаси деярли ривожланмаган.

Россияда дронлар Россия Федерациясининг Ҳаво кодекси билан бошқарилади. Унга кўра, оғирлиги 0,25 килограммдан 30 килограммгача бўлган учувчисиз учар аппаратлар давлат рўйхатидан ўтиши керак. Бундан

ташқари ҳар бир дрондан фойдаланиш олдидан журналист унинг учиш режасини тақдим этган ҳолда Ҳаво ҳаракатини ташкил этиш ягона тизими ҳудудий марказидан рухсат олиши лозим (10). 2014 йили Канаданинг Шимолий Атлантика коллежи журналистлари томонидан (ингл. College of the North Atlantic) дрон журналистикаси кодекси ишлаб чиқилди (7).

Буюк Британияда 2013 йили Оксфорддаги Reuters Institute for the Study of Journalism тадқиқот маркази янгиликларни йиғишда учувчисиз учар аппаратлардан фойдаланиш муаммолари ва имкониятлари тўғрисидаги ҳисоботини эълон қилди (8). Марказий Ланкшир университетининг медиаинновация студияси ва Civic Drone Center журналист суриштируви учун маълумотларни дрон орқали йиғишнинг визуал бўлмаган усулларини ўрганиб чиқди (3).

Ўзбекистонда дрон журналистика 2015 йилдан ривожлана бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 августдаги 287-қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва давлат авиациясида дронлар (учувчисиз учар қурилмалар) эксплуатацияси тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сонли қарорига кўра, 2015 йилнинг 1 январидан дронларни (код ТН ВЕД 8802 20 000 0) Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, уларни сотиш ёки фойдаланиш тўлиқ тақиқланган. 2016 йилнинг май ойидан эса Ҳукумат дронлар импорти, сотилиши ва учирилишига алоҳида қарорлар асосида рухсат бериш имкониятини кўриб чиқди. Янги ҳужжат ўйинчоқлар, авиамоделлар ва дронлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради (5). Ўзбекистонда дрондан фойдаланганлик учун жазо чораларини кучайтириш кўриб чиқилмоқда. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилинмоқда. Янги қонун лойиҳаси маъмурий жавобгарлик билан бирга, республика ҳаво ҳудудидан рухсат олмай фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни ҳам кўзда тутди. Республика "Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш" ҳақидаги қонун лойиҳаси тасдиқланса, дронлардан фойдаланганлик учун 15 суткадан 5-10 йилгача қамоқ жазолари берилиши мумкин. Учувчисиз учиш воситаларини ноқонуний ишлатганлик учун маъмурий жазо сифатида энг кам иш ҳақининг 100дан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки учиш воситаларини мусодара қилиш билан бирга, 15 сутка қамоқ жазоси белгиланиш эҳтимоли бор. Бундан ташқари, агар қонунбузарлик маъмурий жавобгарлик қўлланганликдан сўнг яна содир этилса ёхуд ўртача оғирликдаги тан жароҳатига сабаб бўлса, айбдор

шахс икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниши, уч ойга қамоқда қолдирилиши мумкин. Лойиҳада келтирилишича, инсон ўлимига олиб келинган ҳолатларда 2–5 йил муддатга қамоқ жазоси берилиши, уч йиллик ахлоқ тузатиш ишларига юборилади. Дрондан фойдаланиш инсонлар ўлими, оғир оқибатларга олиб келган ҳолатларда айбдор 10 йилга озодликдан маҳрум этилади, дейилади қонун лойиҳасида (12).

Ўзбекистонда 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб учувчисиз учоқларни олиб кириш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш тақиқланган. Мамлакатга кирадиган шахслар божхона декларациясини тўлдираётганларида Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган буюмлар қаторига дронлар ҳам қўшиб қўйилган.

Ўзбекистонда фуқаролар ва ташкилотларнинг дронлардан айнан қандай мақсадларда фойдаланишлари ёки фойдаланиб келганликлари маълум эмас. Бугунги кунда дрондан Миллий телерадиокомпания ва телеканалларнинг дрондан фойдаланишларига рухсат берилган.

Америкалик ёзувчи ва ОАВда дронлардан фойдаланиш экспертлик маърузасининг ҳаммуаллифларидан бири Роберт Пикард 2014 йилнинг охирига келиб дрондан айнан тележурналистикада кенг фойдаланилишини башорат қилган эди. Р. Пикард тележурналистикада дрондан кенг фойдаланиш мумкинлигига ишонган. Бугунги кунда дунёнинг деярли барча телекомпаниялари дронлардан фойдаланмоқдалар. Масалан, ВВС, "National Geographic", CNN, Россиянинг бир қанча телеканаллари дрон журналистикаси имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Ҳозирда телеканаллар бевосита дрон орқали оммавий тадбирлардан репортажлар тайёрлаш, туризм соҳасида панорамали видеоларни тасвирга олишаётирлар. Масалан, 2014 йили CNN телекомпанияси АҚШ ҳукуматига телеянгилликларни тайёрлашда дронлардан фойдаланиш мумкинлиги исботлаб берди (1). Арканзасда содир бўлган торнадо оқибатлари айнан дрон орқали олинганда, торнадонинг қанчалик даҳшатли эканлиги, штатга тўфоннинг етказган зарари яққол кўринди. Унгача АҚШда экологик ҳалокатлар содир бўлган ҳудудларда дронлардан фойдаланиш тақиқланган эди. Мазкур сюжет CNN ва Жоржия Технологик институти билан биргаликда тадқиқот лойиҳасини амалга оширишга ундади. Лойиҳанинг мақсади – мамлакатнинг ҳаво кенгликларида дронларни хавфсиз эксплуатациясини амалга оширишда қандай инсон ресурслари ва жиҳозлар кераклигини аниқлаш эди.

BBC телеканалининг инновациялар бўйича катта продюсери Томас Ханненнинг фикрига кўра (6), учувчисиз учар аппаратларнинг пайдо бўлиши журналистикада инқилоб ясамади, балки репортёр фаолиятини енгиллаштирадиган қўшимча инструмент бўлиб, у экологик, транспорт ёки туризмга оид лавҳаларни тайёрлашда тележурналистнинг яқин кўмакчисига айланди.

2015 йилдан бошлаб дронлар бевосита ҳарбий ҳаракатлар, экологик ҳалокатларни, инсон оёғи етмайдиган ҳудудларни ёритишда кенг қўлланила бошланди.

Дронлардан фото ва тележурналистикада фойдаланишни тарғиб қилувчи Code for Africa ташкилотининг ходими Жонни Миллер тележурналистикада дронлардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқди.

**1. Ерда туриб суратга ололмаганларингизни, юқоридан олинг.** Журналистларнинг асосий хатоси дронларни мақсадсиз фойдаланишларидир. Уларни кераксиз жойга учиршади. Албатта, дронни учиршдан олдин олдингизга аниқ мақсад қўйинг.

**2. Қонунчилик билан танишинг.** Дронларнинг одамлар устидан учиши тақиқланади. Дронни учиршдан олдин албатта ўша мамлакатнинг дронларга оид қонунчилиги билан танишинг. Аэропортларга яқин жойларда дрон учирманг. Улар самолёт ва вертолётларнинг учишига ҳалақит бермаслиги керак. Дронларни сув ҳавзалари, чўллар, ўрмонлар устидан учирган маъқул.

**3. Аппаратни учиршдан олдин картага унинг маршрутини белгиланг.**

Самолётдаги сингари дронни учиршдан олдин унинг учиш режасини тузиб чиқиш керак. Бунинг учун ўта қийин онлайн инструментлардан фойдаланиш шарт эмас. Ҳар бир тележурналист Google Earthдан бемалол фойдаланса бўлади. Айнан мазкур инструмент Ер шарининг умумий кўриниши билан биргаликда, муайян ҳудудда жойлашган йўллар, биноларни кўриш имкони мавжуд. Сиз фақатгина дронни қаердан учиршни ва у қаерга қўнишини аниқлаб олсангиз бўлди. Масалан, қуйида Кейптаунда аҳолини қайта рўйхатда ўтказишда ирқчилик белгилари бўйича шаҳарнинг ажратилган ҳудудлари кўрсатилган.

**4. Статистик, бир-бирини секин алмаштирадиган кадрлар видеолавҳа сифатини яхшилайти.** Дрон орқали олинган видеонинг сифатини аниқлаш учун ундаги кадрлар қанчалик тез алмашинаётганига эътибор беринг. Юқоридан туриб олинган сурат аксарият ҳолларда

томошабинни қизиқтиради. Унга кўпроқ визуал информация беради. Шу сабабли томошабинга ана шу маълумотларни қабул қилиб, таҳлил қилиш имконини бериш лозим. Видеони олаётганда дроннинг кескин ҳаракат қилишига йўл қўйманг. Бу кадр сифатининг бузилишига олиб келади.

**5. Видео маълумотларга бой бўлиши керак.** Дронлар журналистлар учун видеоматериал тайёрлашда қулай восита. Аммо жонли видеодан видеодан ташқари фото, матн ёки инфографика керак. Шу сабабли журналистик материални тайёрлашда камерада олинган йирик, ўрта планлар, матн, фотодан ҳам фойдаланиш телелавҳани аудитория томонидан яхшироқ қабул қилинишини таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Dona Kolar-Panov. [Reviewed Work: Degraded Capability: The Media and the Kosovo Crisis by Philip Hammond, Edward S. Herman](#) (англ.) // Slavic Review. — 2015. — Vol. 60, no. 3. — P. 635.
2. Goldberg, D. Dronalism: Journalism, Remotely Piloted Aircraft, Law and Regulation / D. Goldberg // URL: <http://ecollections.law.fiu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1255&context=law-review>
3. <http://www.lex.uz/acts/2461982>
4. <https://arbitration.ru/arbitration-association/bodies/goldberg-david/>
5. <https://kun.uz/uz/news/2016/09/14/uzbekistonda-dronlar-rujhatdan-utkazilad>
6. <https://www.bbc.com/russian>
7. <https://www.cna.nl.ca>
8. <https://www.uclan.ac.uk/research/explore/groups/civic-drone-centre.php>
9. Аҳмедов Б. Дрондан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун нималар талаб этилади? <https://kun.uz/66725023>
10. Воздушный Кодекс Российской Федерации.  
[http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_13744/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_13744/)
11. Воннегут К. Колыбель для кошки: роман / К. Воннегут. – М.: ООО “Издательство АСТ”; Харьков: Фолио, 2000. – С. 268.
12. Ўзбекистонда дрон учун қамок жазоси берилиши мумкин.  
[https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2016/05/160513\\_cy\\_uzbekistan\\_against\\_drone](https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2016/05/160513_cy_uzbekistan_against_drone)

### REFERENCES

1. Dona Kolar-Panov. Reviewed Work: Degraded Capability: The Media and the Kosovo Crisis by Philip Hammond, Edward S. Herman (англ.) // Slavic Review. — 2015. — Vol. 60, no. 3. — P. 635.
2. Goldberg, D. Dronalism: Journalism, Remotely Piloted Aircraft, Law and Regulation / D. Goldberg // URL: <http://ecollections.law.fiu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1255&context=law-review>
3. <http://www.lex.uz/acts/2461982>
4. <https://arbitration.ru/arbitration-association/bodies/goldberg-david/>



5. <https://kun.uz/uz/news/2016/09/14/uzbekistonda-dronlar-rujhatdan-utkazilad>
6. <https://www.bbc.com/russian>
7. <https://www.cna.nl.ca>
8. <https://www.uclan.ac.uk/research/explore/groups/civic-drone-centre.php>
9. Ahmedov B. Dron dan foidalanish xuquqini qulga kiritish uchun nimalar talab etiladi?  
<https://kun.uz/66725023>
10. Vozdushnyi Kodeks Rossiiskoi Federatsii. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_13744/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_13744/)
11. Vonnegut, K. Kolybel' dlya koshki: roman, Moscow: OOO "Izdatel'stvo AST", Khar'kov: Folio, 2000, 268 p.
12. Uzbekistonda dron uchun qamoq zhazosi berilishi mumkin. [https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2016/05/160513\\_cy\\_uzbekistan\\_against\\_drone](https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2016/05/160513_cy_uzbekistan_against_drone)